

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАБОЕВА НИГОРА МАМАЮСУФОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ– 2019

УДК 373.3:378.147.091

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Кенжабоева Нигора Мамаюсуфовна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини
такомиллаштириш тизими.....5

Кенжабоева Нигора Мамаюсуфовна

Система совершенствования репродуктивной культуры будущих учителей
начальных классов.....24

Кенжабоева Нигора Мамаюсуфовна

Sistem of improving the reproductive culture of future primary school
teachers..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications works..... 51

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КЕНЖАБОЕВА НИГОРА МАМАЮСУФОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019 йил

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped901 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz/uz/ilmiy-kengash) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурмонова Айниса

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурманов Абдиназар Тошбаевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Хакимова Муҳаббат Файзиевна

педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712–27–55; факс: (99870) 712-45–41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатгаолинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712–27–55; факс: (99870) 712-45–41

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Т.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент.

Кириш(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда репродуктив саломатликни яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш ҳамда ёшларнинг тиббий билим ва маданиятини юксалтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалиётга тадбиқ этилган. Соғлом турмуш маданиятини қарор топтириш масалаларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик Жамғармаси (UNFPA)нинг «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари» (MPM) Ҳаракатлар дастури, Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) нинг «WHA57.12 Репродуктив саломатлик: халқаро ривожланиш мақсадлари ва эришилган ютуқларни тезлаштириш стратегияси» доирасида алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда ёшлар репродуктив маданиятини шакллантиришнинг тиббий-биологик, ижтимоий-демографик, педагогик-психологик мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Қоҳира Халқаро анжумани (АРХА)¹, ЮНИСЕФ, UNFPA каби халқаро ташкилотларнинг фаолият йўналишлари репродуктив маданиятни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ўрганишга қаратилган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришда репродуктив саломатлик, демографик мўътадиллик, гендер ёндашув асосида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда, оилада, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлиги самарадорлигини мустаҳкамлаш, жамоатчиликнинг тиббий-педагогик маданиятини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш маданиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Натижада, узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг репродуктив маданиятини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини бу жараёнга назарий ва методик жиҳатдан тайёрлаш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори,

¹ “Соғлом оила-соғлом авлод-соғлом келажак” хотин-қизлар комиссияларининг раислари ва фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун амалий қўлланма. Тошкент 2011й.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.5 банди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, мазкур фаолиятга тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагог-психолог олимлардан М.Давлетшин, О.Жамолдинова, А.Исимова, С.Йўлдошева, И.Мачанов, О.Мусурманова, К.Рисқулова, Т.Сапаров, С.Турсунов, Д.Холиқов, Д.Шариповалар томонидан ёшлар соғлом турмуш тарзи ва маданиятини шакллантириш, ёшларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик жиҳатлари ўрганилган.

Тиббиётчи олимлар В.Аминов, С.Арипова, Р.Аъзамов, Ҳ.Муминов, Ф.Насриддинов, К.Содиқовлар томонидан аҳолининг соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлашнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан, М.А.Беляева, Л.И.Столярчук, А.Д.Карабашева, Т.В.Каменская, И.Ю.Кульчицкая, П.Л.Дрибинский, Е.А.Меньшлар олий таълим муассасалари талабаларини соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш масалаларини илмий педагогик жиҳатдан ўрганганлар.

Ғарб давлатлари олимлари Э.Ле Шам, Бенжамин Спок, Ада Делла Торре, С.Малхотра, Мария Земска, Клинтон Хиллари Родем, Д.Б.Лангиллар томонидан соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, ёшларда саломатлик, репродуктив маданиятни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика “Оила” илмий-амалий марказининг ИТД-1.А3-007 “Ўзбекистон маҳаллаларида “Ота-оналар университети” орқали ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий, тиббий-демографик, ижтимоий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш механизмини яратиш” (2006-2009) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш тизимини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданияти мазмунини соғлом ҳаёт сифати масалаларига оид маърифий-профилактик материаллар, таълим дастурлари, замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда такомиллаштириш;

“Соғлом авлод, соғлом жамият” тамойили асосида репродуктив маданият компонентлари типологияси самарадорлигини тиббиёт ва педагогика фанлари интеграцияси асосида аниқлаш;

аудиториядан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида тизимли педагогик ҳамкорлик асосида (оила, ННТ, таълим муассасалари) таълим-тарбия жараёни субъектлари фаолиятини назарий, амалий, фанлараро, соҳалараро узвийлик тамойилларига кўра мувофиқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари репродуктив маданияти самарадорлигини таъминлашга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш жараёни танланиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Термиз давлат университети, Жиззах педагогика институтининг 1-ва 4-босқич талабаларидан жами 362 нафари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш шакллари, метод, восита ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида турли соҳа олимларининг мавзуга оид илмий-методик тадқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, педагогик кузатув, семинар-тренинг, электрон сўров ва тест синовлари, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов натижаларини умумлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданияти тизимининг педагогик типологияси оила-таълим муассасаси-нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданияти самарадорлигини баҳолаш параметрлари (потражаж, профилактика, физиологик-гигиеник маданият, жинслар тарбияси, педагогик реабилитация) аҳолининг репродуктив маданиятини ривожланиш стратегияси асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш модели тиббий-биологик, ижтимоий-демографик, педагогик-психологик омилларни репродуктив маданият компонентлари билан уйғунлаштириш ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликнинг бинар тизимини киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари анимацион дарслар, комбинациялашган таълим (mixed-mode), замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим мазмуни тренинглар ўтказиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг ҳамкорлик стратегияси асосида дастурий-методик маҳсулоти ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришда ўқув жараёни самарадорлигини таъминлайдиган инновацион таълим технологияларидан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш самарадорлигини белгиловчи индикаторлар аниқланди ва улар мониторинг жараёнида фойдаланилди;

“Талаба-ёшларнинг репродуктив маданиятини такомиллаштириш” модели, олий таълим муассасалари учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришга қаратилган “Талаба-ёшларнинг репродуктив маданиятини шакллантириш” номли ўқув қўлланма, “Репродуктив маданият асослари” ўқув курси яратилган ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашувлар ва усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш моделининг илмий асосланганлиги, ўқув фанлари мазмунининг илғор халқаро ва миллий тажриба асосида илмий-назарий бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда олға сурилган илмий-назарий ғоялардан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси 6-хатбошини шакллантиришда инобатга олинган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Олий таълим муассасаларида “5111700-Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган (“Ёш физиологияси ва гигиена”, “Валеология асослари”) фанлардан дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар мазмунини такомиллаштиришда, таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун таклиф этилган илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан дастурий-методик маҳсулотлардан фойдаланилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш модели асосида ишлаб чиқилган таълим муассасаларида репродуктив маданиятни кенг тарғиб қилишнинг ҳуқуқий асосларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси 6-хатбошини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 05/3-06-122-сон далолатномаси). Натижада, таълим муассасалари субъектлари ўртасида репродуктив маданиятни такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методларидан унумли фойдаланиш имконияти яратилган;

репродуктив маданиятнинг педагогик омиллари, дидактик ва тарбиявий имкониятлари, бошланғич синф ўқувчилари ва ўқитувчиларда

шакллантирилиши лозим бўлган компонентлари “Педагогика тарихи”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогика ўқитиш методикаси”, “Тарбия назарияси ва методикаси” ўқув фанларининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 89-03-409-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш мазмуни бойитилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари анимацион дарслар, комбинациялашган таълим (mixed-mode), замонавий педагогик технологияларига асосланган таълим мазмуни бўйича таклиф ва тавсиялардан (аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув-тарбия жараёнида) бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданияти самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 89-03-409-сон маълумотномаси). Натижада инновацион таълим технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш самарадорлиги ошган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 номда илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларнинг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида ёшлар репродуктив маданиятини тарбиялаш борасидаги давлат сиёсати ва уни бўлажак ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлашдаги ҳуқуқий аҳамияти, репродуктив маданият типологияси ва унинг тарихий-тадрижий ривожланиши, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг амалиётдаги аҳволи илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, файласуф, социолог, ҳуқуқшунос олимларнинг изланишларида ўрганиб чиқилганлиги аниқланган. Илмий адабиётлар таҳлилига кўра, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тиббий, ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлик масалалари тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Жумладан, Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Абдурауф Фитрат, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган.

Ушбу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларида файласуф олимлар томонидан ёшларда репродуктив маданиятни такомиллаштиришнинг мазмун ва моҳияти изоҳланган.

В.Далнинг изоҳига кўра, “Сиҳат-саломатлик – бу организмнинг тириклик ҳолати, касалликнинг йўқлиги” дея изоҳланса, бутун жаҳон саломатликни сақлаш ташкилоти саломатлик тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қилади, яъни “Саломатлик – бу нафақат камчиликлар ва касалликларнинг барҳам топиши, балки уни тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий-маънавий муваффақиятли муҳофаза қилишдан иборат”

Рус олимлари Т.Ф.Ақбашев, Б.А.Классов инсоннинг маънавий саломатлигини уч омил бирлигида, яъни ижтимоий, интеллектуал ва репродуктив соғлиқ билан тўлдирадидлар. Уларнинг фикрича, интеллектуал соғлиқ фикрлаш, ахборотларни қабул қилиш ва уни етказишда ўз аксини топса, ижтимоий соғлиқ, инсонни ижтимоий фаоллигида жамиятда ўз ўрнини, касбий камолотида ўз ифодасини топади. Репродуктив соғлиқ эса ота-оналар билан бўлган алоқада, жинсий маданият, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда намоён бўлади.

Е.А.Меньш талабаларнинг саломатликка нисбатан қадрият сифатидаги муносабатини маданиятлараро коммуникация асосида ривожлантириш ғоясини ишлаб чиққан, Т.В.Каменская ўз тадқиқот ишларида мактабгача таълим муассасаларида болалар саломатлиги маданиятини ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратган. А.Д.Карабашева эса, умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчиларида саломатликни асраш компетенцияларини ривожлантиришнинг интерфаол усуллариини илмий-педагогик тадқиқ этган. П.Л.Дрибинский саломатликни илк бор қадрият сифатида илмий асослаб беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган репродуктив маданиятни шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб борган М.Иномова “Йигит ва қиз, яъни бўлажак ота-она оила қурмоқчи эканлар, улар жисмоний ва маънавий камолоти даражаси оила қуриш, уни тебратиш ва мустаҳкамлаш учун энг муҳими, бўлажак фарзандларини тарбиялаш учун тенг бўлиши лозимлиги ислом динида уқтирилади. Чунки ота-онанинг шахсий фазилатлари билан биргаликда наслий-биологик хусусиятлари ҳам фарзандларига ўтади. Модомики гап шундай экан, ота-оналарнинг жисмоний соғлом ёки носоғломлиги оила қуришда муҳим роль ўйнайди” дейди.

О.Мусурмонова ёшларни ҳаётга тайёрлаш масалалари хусусида сўз юритар экан, асосий эътибор ёшларнинг репродуктив саводхонлик даражасига

қаратилади деб ҳисоблайди, ҳамда мазкур йўналишда, яъни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик аспекти, фарзанд кўриш ва тарбиялаш маданияти, «эр-хотин», «она-бола» муносабатлари ва мулоқотлари тизими, бу жараёнда миллий, умуминсоний кадрлардан фойдаланиш ҳақида фикр билдирган.

Д.Шарипова ўз илмий изланишларида мазкур йўналишга ҳам алоҳида эътибор бериб, шахсий гигиена асосларини менсимайдиган, нормал меҳнат қилиш, дам олиш, ухлаш режимига амал қилмайдиган, бадан териси тозалигига, кийим бошга, чиниқтирувчи жисмоний тадбирларга аҳамият бермайдиган, зарарли одатларга ружу қўйган кишининг саломатлигини сақлаб бўлмаслигини, таъкидлаб ўтади.

Д.Ҳолиқовнинг илмий изланишларида жинсий тарбия, ўзбек оилаларида жинсий тарбияни амалга оширишнинг этнопедагогик хусусиятлари тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Д.Ҳолиқов “Жинсий тарбиягина оилани, одамзодни сақлаб қола олади” дея ўз фикрларини изоҳлайди.

С.Турсуновнинг илмий изланишларида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида «соғломлаштириш мактаби» педагогик тизими орқали таълимга валеологик ёндашувни ривожлантириш, соғлом авлодни камол топтириш ҳамда соғломликни таъминловчи педагогик тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, тамойиллари ва унинг ривожланиш даражасини баҳолаш мезонларини аниқлаган.

О.Жамолдинова ўз илмий изланишларида ўқитувчининг шахсий саломатлик соҳасидаги ижтимоий-прогрессив, мақсадга йўналтирилган фаолият, фалсафий дунёқараш, маънавий-ахлоқий, педагогик, коммуникатив, интеллектуал, психологик компетентликнинг яхлитлигини таъминлаш ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш омили эканлигини аниқлаган.

Т.Сапаров ўз илмий изланишларида экологик ноқулай минтақалардаги мактаб ўқувчилари соғлиғини сақлашга йўналтирилган ўқитиш технологияларини аниқлаган.

Жамиятнинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оила мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда **“Соғлом оила – соғлом жамият”** концептуал ғояси ҳамда **“Оила-жамият ва давлат ҳимоясида”** конституциявий принципни кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш асосий вазифалар қаторидан жой олди.

Диссертацияда, турли соҳа олимларининг илмий изланишларини ўрганиш жараёнида репродуктив маданият тушунчаси педагогик жиҳатдан талқин этилмаганлиги асосланган. Шу боис ушбу атама мазмун ва моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида баён этилган. Фалсафий адабиётларда ва шу йўналишдаги илмий изланишларда репродуктив маданият – шахс маънавий маданиятининг ажралмас қисми сифатида тадқиқ этилади.

Бизнинг фикримизча, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш масаласи онг, тафаккур тарбияси билан боғлиқ бўлиб, қачонки, шахсда бу соҳага онгли ёндашувни шакллантирилсагина жараён самарали кечади. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни замонавий ижтимоий-иқтисодий, экологик вазиятлар, соғлиқни

сақлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш борасидаги билимлар билан қуроллантириш, умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлган оила ва уни тўғри режалаштириш борасидаги назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ёш авлодга етказиш таълим тизимининг, хусусан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий вазифаларидан саналади. Агар ўқитувчи ўз ўқувчисининг соғлигини, сифатли билим олишини, ривожланиб ўсишини, уларнинг соғлигига зарар келтирувчи зарарли одатлардан холи, маънавий ўсишини ҳимоя қила олмас экан, у шахс саломатлигини муҳофаза қила олмайди.

Ваҳоланки, таълим тизими шахс саломатлигини шакллантирувчи ва мустақамловчи муҳим бўғинлардан саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда олий таълим муассасалари талабаларининг, яъни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг билим ва ҳаракатлари айнан шу мақсад учун йўналтирилиши, энг аввало, уларнинг ўзи ана шу соҳада зарурий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуролланган бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Ушбу мавзу илмий-назарий тадқиқ этилишидан олдин атамаларнинг мазмун ва моҳиятига муаллифлик ёндашуви бўлмоғи лозим. Жумладан, “репродуктив”, “репродуктив саломатлик”, “репродуктив маданият” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти турли соҳа олимлари томонидан турлича талқин этилади.

Маълумки, «**репродуктив**» лотинча сўз. У “**re...**” – **янгилашиш, такрорланиш** ҳамда “**productio**” – **яратиш, ишлаб чиқариш** маъносига қисмлар бирикувидан ҳосил бўлиб, **янгидан яратиш, такроран ишлаб чиқариш** маъноларини англатади³. Репродуктив саломатлик эса – аёлнинг қачон ва қандай шароитда она ва ундан туғилажак боланинг ҳам саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлган саломатлик кўриниши. Репродуктив маданият тушунчаси репродуктив саломатликка қараганда кенгроқ масалаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор шахснинг репродуктив саломатлик борасидаги назарий билимларининг амалий ифодаси, шунингдек, оиланинг жамият олдига репродуктив функциясини тўлақонли англаши билан боғлиқ саводхонлик даражасига қаратилади.

Репродуктив саломатлик масалалари илк бор 1994 йил Қоҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва Тараққиёт Халқаро конференциясида кўтарилган. Репродуктив саломатлик – бу репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлиб қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) таърифига кўра, репродуктив саломатлик репродуктив тизим, унинг функцияси ва жараёнлари билан боғлиқ барча соҳаларда касалликларнинг йўқлиги эмас, балки бутун жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир. Шундай қилиб, биз педагог, психолог ва файласуф, тиббиёт, социолог, демограф олимлар

³ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. –11-12 б.

томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш натижасида репродуктив саломатлик ва репродуктив маданият тушунчаларининг ниҳоятда хилма-хил эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу эса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари репродуктив маданияти мазмуни тушунчасининг педагогик мазмуни типологиясини яратишга асос бўлди (1-расм).



1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари репродуктив маданияти мазмуни типологияси.

Мазкур типология асосида (типология - билиш методи бўлиб, унинг асосида объектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки типлар ёрдамида уларни кейингилар учун гуруҳларга ажратиш, шунингдек, типологик тасвирлаш натижаси) бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш модели диссертациянинг тажриба-синов ишлари босқичида илмий-назарий гипотеза тарзида амалиётга татбиқ этилди ва синовдан ўтказилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив саломатлигини ҳимоя қилишда узвийликни таъминлаш тизими “Оила-таълим муассасаси-ННТ” ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида такомиллаштирилди.

Ишда келтирилган эмперик хулосалар асосида, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш давлатимизнинг соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги туб ислохотларининг

муҳим йўналишларидан бири эканлигини тасдиқлаб, бу борада бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Булар:

- ёшларда репродуктив маданиятни, соғлом турмуш тарзини такомиллаштириш муаммосини илмий асосда тадқиқ қилиш;

- ўсмирлар, ёшлар, ёш ота-оналар билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш бўйича методик ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида тиббий маданият, репродуктив маданият масалаларининг кенгроқ ёритилишига эътибор қаратиб, зарурий шарт-шароитлар яратиш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари соғлом турмуш тарзининг моҳиятини англаб, уларда бу борадаги фаолиятли ёндашувни шакллантиришга ёрдам берувчи методик банкни яратиш;

- олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини оила ва никоҳ асосларига ўргатиш, жинсий ва гигиеник тарбияни махсус дастурлар асосида амалга ошириш кабилардир.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг илмий-педагогик шарт-шароитлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг замонавий педагогик технологиялари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг ҳамкорлик педагогикаси (оила, ННТ, таълим муассасалари) илмий-методик асосланган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг соғлиги олий таълим муассасаларида ўқиб юрган кезларида яхшиланмайди, аксинча, ёмонлашуви кўзга ташланар экан. (Б.Г.Акчурин) Масалан, иккинчи курсгача бўлган талабалар ўртасида касалланиш 23 фоизни ташкил этса, тўртинчи курсгача бўлган талабаларда бу кўрсаткич 43 фоизга ошар экан деган фикрлар билдирган.

Тадқиқот объекти саналган олий таълим муассасалари талабаларига “Ёш физиологияси ва гигиена”, “Валеология асослари” курсларини ўқитиш орқали талабаларда:

- соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва йўлга қўйиш;

- оилада, таълим муассасаси ва иш жойларида саломатликка асосланган муҳитни яратиш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан оилавий ҳаётнинг аҳамиятини ошириш, талаба-ёшларда салбий ижтимоий ҳодисаларнинг олдини олиш, болаларнинг соғлиғи ва маънавиятига зиён етказадиган ахборотдан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- оилада гигиеник қоидаларга амал қилиш ва оила аъзоларида соғлом турмуш тарзи одатини шакллантириш;

- талабаларнинг ўз саломатлигини жисмония тарбия ва спорт орқали мустаҳкамлашга эришиш;

- ўқув-тарбия жараёнининг психогигиенасини билиш;

- юқумли касалликлар (ОИВ, ОИТС), зарарли одатлар (чекиш, алкоголизм, таксомания, гиёҳвандлик) ва негатив кўришдаги хулқ-атворнинг шаклланишига қарши фаолиятни ташкил қилиш;

- кун тартиби ва вақт бюджетини тўғри режалаштиришга эришишга ёрдам берувчи назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш кўзда тутилади.

Меъёрий хужжатларнинг барчасида аҳоли ва ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларда репродуктив маданиятни такомиллаштириш имкониятлари декларатив жиҳатдан кўрсатиб берилган. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бизнинг назаримизда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг асосий компонентлари ва йўналишларини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

- қизларни оилавий ҳаётга руҳий, жисмоний ва тиббий жиҳатлардан тайёрлаш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг соғлом турмуш тарзи ва репродуктив маданиятни ўзлаштиришларига эришиш;


- оила, таълим муассасалари, ННТ, оммавий ахборот воситалари ва тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида ташвиқот-тарғибот ишларини амалга ошириш;

- ёшларнинг барча қатламлари ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим муассасалари, ННТлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, қийин ҳаёт шароитида ёшларга реал ҳуқуқий психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўйича бир қатор тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тажриба-синов ишлари жараёнида “Ижтимоий психология”, “Оила психологияси”, “Валеология асослари” ва махсус курс “Репродуктив маданият асослари” ўқув фанларидан мазкур методлар ёрдамида “Саломатлик-бу маданият”, “Соғлом она-соғлом фарзанд демакдир”, “Репродуктив саломатлик ва жинсий тарбия”, “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари”, “Репродуктив ёшдаги аёллар саломатлиги”, “Соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёт”, “Гиёҳвандлик-аср вабоси” мавзуларида семинар тренинглари ташкил этилди.

Маълумки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш масаласи ҳар доим ҳам муҳим ва долзарб масалалардан бўлиб келган. Биз олиб борган тадқиқотлар жараёнида репродуктив маданият моделини яратилганлиги, “Талаба-ёшларнинг репродуктив маданиятини шакллантириш” модели ишлаб чиқилганлиги, олий таълим муассасаларида фаолият олиб борувчи ходимлар, соҳа мутахассислари учун “Талаба-ёшларда репродуктив маданиятни шакллантириш” мавзусидаги илмий - услубий қўлланма амалиётга татбиқ этилгани ижобий самара берди.

Тажриба-синов ишлари тиббий-педагогик тамойиллар асосида “Талаба-ёшларнинг репродуктив маданиятини шакллантириш” модели асосида амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш модели.

Моделнинг амалиётдаги натижаси:

биринчидан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришда ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик, тиббий-педагогик ёндашувнинг туб моҳиятини англашга эришилди;

иккинчидан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришда мамлакатимиз ҳаёти ривожига таъсир этадиган ижтимоий омилларнинг таъсири муҳимлиги илмий асосланди;

учинчидан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришда мутахассислик ва тиббий-педагогик ҳамда, махсус курслар интеграциясини ҳисобга олган ҳолда, таълим йўналишига мос замонавий педагогик технологиялардан, хусусан, интерфаол методлар туркумидан, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамкорликларидан фойдаланиш ижобий самара бериши исботланди.

Мазкур модель бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш учун методик асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданият борасидаги билими, маънавияти, интеллектуал салоҳияти, тиббий саводхонлиги, ғоявий ва сиёсий саводхонлик даражаси, тафаккур бойлиги, ҳаракатчанлиги умумий тараққиёт даражасини белгилайди (1-жадвал).

1-жадвал

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг амалий-технологик тизими

Йўналишлар	Ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунчалар, кўникма ва компетенциялар тизими	Фойдаланиладиган педагогик технологиялар туркуми
Соғлом турмуш тарзини такомиллаштириш	Саломатлик, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, кун тартиби, шахсий ва умумий гигиена қоидалари, рационал овқатланиш, зарarli одатлар ва ОИТС, саломатликни сақлаш профилактикаси, спорт билан шуғулланиш	Давра суҳбатлари, ФСМУ, Кейс таҳлили, дебатлар, икки қисмли кундалик, интерфаол интервьюлар
Жинсий тарбия ва репродуктив саломатлик	Жинсий ҳаёт, жинсий ҳаёт психофизиологияси, жинсий муносабатлар, йигит ва қизларда репродуктив саломатлик, соматик касалликлар	Кейс таҳлили, мультимедиа воситалари, рефлексив тренинглари, бинар машғулотлар, панел мунозаралар
Фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш	Репродуктив ёшдаги аёллар саломатлиги, ҳомиладорлик, даврий ўзгаришлар, руҳий стресс, овқатлантириш тартиби, тиббий кўрик, фарзанд тарбиясида ота-онанинг таъсири, тарбия методларини билиш, оилада шахслараро муносабатлар	Семинар-тренинг, давра суҳбатлари, ролли ўйинлар, амалий машқлар, симуляцион ўйинлар
Қутилмаган ҳомиладорликдан сақланиш усуллари	Оилани режалаштириш, қутилмаган ҳомиладорликдан сақловчи анъанавий усулларнинг афзаллиги ва камчилиги, гармонал сақланиш воситалари	SWOT таҳлил, SMART технологиялар, интерфаол ўйинлар, тренинг, рефлексив машқлар

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришнинг индикаторлари аниқланди ва тадқиқот натижаларига кўра баҳоланди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи тушунча, кўникма ҳамда малакалар мазмунини куйидаги йўналишларда ишлаб чиқдик.

Мазкур ҳолатлар тарбия жараёнида кўзга ташланаётган мавжуд камчиликларни тезкор бартараф қилиш ва юқори натижаларни қўлга киритишга ҳалақит бериш билан бирга, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш жараёнида янги чора-тадбирларни белгилаш заруратини юзага келтирмоқда. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш, уларнинг репродуктив саломатлигини шакллантиришда маҳалла миқёсида ташкил этиладиган тадбир, суҳбат, баҳс-мунозара, учрашув, экскурсия, ижодий иншолар ёзиш, семинар тренинглар, маънавият кечаларининг ташкил этилишига бевосита боғлиқ. Лекин бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий, ғоявий-сиёсий маданиятини юксалтириш, жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва вазифаларини англаши, давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида фарзандларимизнинг бевосита иштирокини таъминлаш, уларнинг умумсиёсий маданият даражаси, хулқ-атвор меъёрлари, қадрият, анъаналарга бўлган миллий негизлар асосида тарбиялаш бугуннинг муҳим вазифасидир.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини репродуктив маданиятини такомиллаштириш тизимининг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш жараёнини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштиришга доир тажриба-синов натижалари ва унинг самарадорлик даражаси изоҳлаб берилган.

